



2024 йил 23 январь

№ РС-05-24

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар  
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи  
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича  
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан куйидагиларни таъкидлайди.

Судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг 2023 йил иккинчи ярми учун мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Судлов ҳайъатининг 2023 йил тўртинчи чорагидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 393 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 872 та кассация шикояти (протести) келиб тушган. Шундан 285 та шикоят қайтарилган, 26 тасини қабул қилиш рад қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан жами 561 та кассация шикояти (протести) кўриб чиқилган бўлиб, шулардан 351 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 71 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 137 таси эса бекор қилинган. Бекор қилинган ишларнинг 90 таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, 36 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 11 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати Тошкент (2), Зангиота (1), Термиз (1), Қарши (1), Чирчиқ (1), Урганч (1), Фарғона (1), Самарқанд ш. (1), Избоскан (1), Кармана (1), туманлараро иқтисодий судлари ўз кучида қолдирилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган, 12 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Қайд этилган статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида жами кассация тартибида кўриб чиқилган ишларнинг ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари куйидагича: Тошкент шаҳрининг 155 та, Қашқадарё вилоятининг 94 та, Тошкент вилоятининг 63 та, Сурхондарё вилоятининг 42 та, Бухоро вилоятининг 38 та, Фарғона вилоятининг 32 та, Андижон вилоятининг 31 та, Самарқанд вилоятининг

27 та, Хоразм ва Жиззах вилоятларининг 20 тадан, Навоий вилоятининг 13 та, Қорақалпоғистон Республикасининг 10 та, Сирдарё ва Наманган вилоятининг 8 та суд ҳужжатига нисбатан кассация шикоятлари кўриб чиқилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда айрим ҳолларда моддий (қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги) ва процессуал (ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги ҳамда даъво аризалари асоссиз кўрмасдан қолдирилганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолати ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари: Қашқадарё вилоятида 58 та, Тошкент шаҳри 48 та, Тошкент 25 та, Фарғона 14 та, Андижон 13 та, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 11 тадан, Бухоро 7 та, Жиззах ва Хоразм вилоятларида 6 та, Сирдарё ва Навоий вилоятларида 3 тадан, Қорақалпоғистон Республикаси 2 та, Наманган вилоятида 1 тани ташкил этади.

Ҳисобот даврида асосан кредит, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, контрактация шартномавий муносабатларидан, шунингдек солиққа оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан боғлиқ ишлар кўриб тамомланган.

Суд амалиёти обзори натижаларига асосан, **Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона вилоятлари** ҳамда ушбу ҳудудлардаги туман(лараро) иқтисодий судлар томонидан биринчи ва апелляция инстанцияси сифатида ишларни кўришда айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (**Б.Сайфуллаев**) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2024 йилнинг февраль ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

суд амалиёти обзорини вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш юклансин.

3. **Қашқадарё вилояти** (М.Астанов), **Тошкент шаҳар** (И.Алимов), **Тошкент** (А.Икромов), **Фарғона** (А.Абдурахманов) вилоятлари иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислари биринчи ва апелляция инстанцияларида чиқарилган суд ҳужжатларининг кассация тартибида бекор қилиниши кўрсаткичлари юқори эканлигини инобатга олиб, бекор қилиниши сабабларини муҳокама қилиб, натижалари бўйича аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш орқали иш сифатини яхшилашга эътибор қаратсинлар.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судларига амалиётда фойдаланиш, ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж.Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари - Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси Ш. Полванов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**

 **Б. Исламов**